



Мен кўпгина ёш ижодкорлар катори Нажмиддин Эрматов ижодини ҳам кузатиб келаман. Унинг “Туркий элнинг шиддати сўнганга ўхшаётир” мазмунидаги, умуман, туркий элнинг армонию орзу-умидлари тўғрисидаги, бошқача айтганда, Шавкат Рахмон, Халима Худойбердиева шеърлари руҳидаги шеърларини аввал ҳам коникиш билан ўқиганман.

---

“Туркий элнинг шиддати сўнганга ўхшаётир” шеърида акс этган мазмун бугун ўзбек жамиятининг катта бир катлами ўйу хисларига ҳамоханг. Шеърнинг бирданига машхур бўлиб кетишининг сабабларидан бири – шу. Бирок энг катта сабаби – унинг Ўзбекистон телевидениесида намойиш этилиши, деб биламан. Шов-шув шу ерда. Йўқ, шеър бунга арзитайди, демокчи эмасман, асло. У жуда ҳам арзийди. Гап шундаки, Нажмиддиннинг бундай оловли битикларини олдин ҳам ижтимоий тармоқларда ўқиганман-да. Лекин улар яхши шеър бўлишига карамай, бунчалик эътиборга тушмаган. Демак, яхши шеърни (умуман, хар қандай асарни!) қачон, қандай шаклда етказишда ҳам гап кўп экан. Шу маънода, агар шоир бу шеърини ўз “фб” саҳифасида ёзма равишда эълон қилиб

кўйганда эди, у нари борса, ўн ё ўн бешта бахам кўриш (перепост!) билан чекланарди. Холбуки, у телевидениедан эълон килинди. Эълон килинганда ҳам шоир томонидан “бас” овозда ифодали тарзда ўкиб берилди. Ўзбекистон телевидениесини фақат “жаннат”дан репортажлар килишнигина билади”, деб ишониб юрган томашабин бундай танкидий рухдаги шеър намоишидан хайрону лол бўлиб колди.

Шеър ўкиб берилаётганда унинг охангига хамоханг бош кимирлатиб ўтиришларни мен асар мохиятига етиш, уни тўлик тушуниш деб ўйламадим. Тушунилганда эди, жуда катта эхтимол билан, бошлар тебранмас, билъакс, лаблар каттик тишланарди. Кўркувдан эмас, йўк, туркий халклар, шунингдек, ўзбек эли тушиб колган фоже кисматни юрак-юракдан хис килишдан, англашдан шундай килинарди.

Шу билан бирга, шеърнинг, Бобур хазратлари таъбири билан айтганда, кичик бир “айбгинаси” бор. У ўқувчига умид бериб яқунланишини кутгандим. Лоакал бир нур кириб келиши мумкин бўлган тиркиш колдирилгандир, деб ўйлагандим. Чунки шеърга “Туркий элнинг шиддати сўнганга ўхшаётир” деб ном ва нукта кўйиш, элдан умидни узиш билан баробардек жаранглайди. Шоир бундай килмаслиги керак. Шоирнинг бундай килишга, сўзда таслим бўлишга, хукмдорлар ботмон-ботмон тортиб олган умиднинг сўнгги мисколларини териб кетишга ҳақки йўк. Майли, унинг жисми таслим бўлсин, енгилсин, нобуд бўлсин, бироқ сўзи эмас, юраги эмас! У юртининг ҳеч кимнинг назари тушмаган гўшаларидан, элининг юрак пучмоқларидан миллатнинг кайта тугилмогию каддини тикламоги учун керакли таянч нуктасини топмоги ва халкига кўз-кўз килмоги шарт! Унга кисмат мана шундай вазифани юклаган. Шоир шунинг учун ҳам шоир. Таслимиятга чакаришга унинг маънавий ҳақки йўк. Унинг кўлидаги калам бунга йўл кўймайди. Йўл кўймаслиги керак!

Ўйлайманки, Нажмиддин буларни жуда яхши тушунади, билади. Шеърнинг бундай тушкун кайфиятда яқунланиши эса айрим туркий кавмларнинг бугунги аянч холи учун чуқур бир кайгуга ботиш билан изоҳланади, дея ўйлайман. Колаверса, Чўлпон бобо айтмоқчи, “Чечаклар унгуси кўзёшларимдан!”. Нажмиддиннинг ҳам эрк куйчиси бўлган устоз шоирга эргашиб ўз кўзёшларидан чечак ундиргиси келган бўлса, не тонг! Шоирга ва бундай шеърларни тушуниб, кадрлаб турган адабиёт мухлисларига омонлик тилайман! Адабиёт, шеърят яшамокда! Биз-чи?..

[Улугбек Хамдам](#)

[28.02.2023](#)